"O'ZBEKISTON TEXNOLOGIK METALLAR KOMBINATI" AJ

Бизнес режа 2026 йил

“Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н”
Кузатув кенгаши томонидан
2025 йил “ __ ” _____ даги
_____-сон баённома

_____У.С. Юсупов

“Ўзбекистон технологик металлар комбинати” акциядорлик жамиятининг 2026 йил учун Б И З Н Е С Р Е Ж А С И

Давлат номидан акциядор функциясини бажарувчи ташкилот номи	“Ўзбекистон технологик металлар комбинати” АЖ
Идоравий мансублиги	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
Почта манзили, е-хат манзили	info@uztmk.uz, UzTMK@exat.uz
СТИР	311 415 426
Ижроия органи раҳбари	Абдуллаев Фарход Равшанович
Бош бухгалтер	Юсупова Муниса Вазгиновна

“Ўзбекистон технологик металлар комбинати” АЖнинг
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТАРКИБИ

т.р.	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими
1	Юсупов Урал Садуллаевич	Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазир ўринбосари
2	Мухтаров Улуғбек Хакимович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директор ўринбосари
3	Санақулов Қувондиқ Санақулович	“Навоий кон-металургия комбинати” АЖ Бошқарув раиси-Бош директор
4	Хурсанов Абдулла Халмурадович	“Олмалиқ кон-металургия комбинати” АЖ Бошқарув раиси
5	Файзуллаев Джамал Сабохонович	“Навоийуран” ДК Бош директори
6	Юнусов Мирзиёд Рахматович	“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси Бошқарув раиси
7	Атилган Марасли	Мустақил аъзоси

“Ўзбекистон технологик металлар комбинати” АЖ
2026 йилга ишлаб чиқилган Бизнес-режаси
КЕЛИШУВ ВАРОҒИ

Бошқарув раиси Ф.Абдуллаев

Бошкарув раисининг биринчи ўринбосари-Иқтисодиёт ва молия департаменти директори Ў.Каримов

Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари - қазиб олиш ва металлургия департаменти директори У.Рўзиев

Бошқарув раисининг инновациялар ва технологик ривожланиш бўйича ўринбосари А.Абидов

Бошқарув раисининг ўринбосари – тижорат департаменти директори А.Турдибаев

Умумий масалалар департаменти директори Т.Махамадзияев

Инвестиция лойиҳалари департаменти директори Ш.Усубжанов

ESG департаменти директори С.Муродов

HR департаменти директори С.Садуллаева

Бош бухгалтер-
Бошқарма бошлиғи М.Юсупова

Ноёб металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш заводи директори И.Асадов

Ички аудит хизмат бошлиғи М.Мукимжанов

Комплаенс хизмат У.Шахизирова

МУНДАРИЖА

I	**Корхона тўғрисида умумий маълумот**	.....	
1.1	Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)	.....	7
1.2	Корхона тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари	.....	8
1.3	Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати	.....	9
1.4	Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот	.....	10
1.5	Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя	.....	11
1.6	Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи	.....	12
1.7	Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими	.....	12
II	**Корхонани ислоҳ қилиш**	.....	13
-	Истиқболли ривожланиш стратегияси, босқичлари, 2026 йил учун режаси	.....	13
III	**Бозор ва маркетинг режаси**	.....	20
3.1	Бозор таҳлили	.....	20
3.2	Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби	.....	21
3.3	Рақобат	.....	21
3.4	Маркетинг режаси	.....	23
IV	**SWOT-таҳлили**	.....	24
V	**Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи**	.....	25
VI	**Кўрсаткичлар**	.....	28
6.1	Ишлаб чиқариш режаси	.....	28
6.1.1.	Хомашё захираси	.....	28
6.1.2.	Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари	.....	30
6.1.3.	Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси	.....	31

6.2	Молиявий режа	.....	32
6.2.1.	Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)	.....	32
6.2.2.	Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар режаси)	.....	34
6.2.3.	Харажатлар режаси	.....	36
6.2.4.	Пул оқимлари режаси	.....	37
6.2.5.	Молиявий барқарорлик, ликвидлилик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки ва рентабеллик кўрсаткичлари	.....	39
6.2.6.	Давлат бюджетига тўловлар режаси	.....	40
VII	**Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)**	.....	41
VIII	**Иш ҳақи тўлаш тизими**	.....	43
IX	**Маҳаллийлаштириш**	.....	44
X	**Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)**	.....	48
XI	**Инвестиция лойиҳалари**	.....	58
XII	**Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш**	.....	64
XIII	**Экология ва атроф муҳитга таъсири**	.....	65
XIV	**Иловалар**	.....	67
14.1	Маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ҳажми	.....	67
14.2	Таннархни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар	.....	68
14.3	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режа-жадвали	.....	69
14.4	Кутилаётган бухгатерия баланси (чораклар кесимида)	.....	76
14.5	Кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (ўсиб борувчи тартибда чораклар кесимида)	.....	81
14.6	Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари	.....	83
	Қўшимча маълумотлар	.....	84
	Соф фойда тақсимоти	.....	84
	Ҳомийлик ёрдамлари	.....	85
	Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари	.....	86

I. Корхона тўғрисида умумий МАЪЛУМОТ

1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

Корхона номи: "Ўзбекистон технологик металлар комбинати" АЖ

Рўйхатдан ўтган манзили: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, В.Хайдаров МФЙ, Вохид Хайдаров кўчаси, 1-уй

Почта манзили: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, В.Хайдаров МФЙ, Вохид Хайдаров кўчаси, 1-уй

СТИР: 311 415 426

Ташкил этилишига асос рақами ва санаси: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182-сон қарори.

Давлат рўйхатидан ўтказилган сана: 22.06.2024 йил № 2497908

Асосий фаолият тури: Бошқа тоифаларга киритилмаган тоғ-кон саноати билан боғлиқ фаолият.

Устав капитали: **647 459 109 100 сўм.**

Давлат улуши: **100 фоиз**

Жамият тури: йирик

Ҳолати: Фаолият кўрсатаётган

Ишчилар сони: **1 585 нафар** (191 нафар бошқарув ходим)

Умумий ер майдони: **174,5 ГА**

Бино-иншоотлари: **183 370 кв.м**

Раҳбар Ф.И.Ш.: Абдуллаев Фарход Равшанович, телефон: 70-210-10-10.

Акциядор номи: "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ (39,8%) ва Тикланиш тараққиёт жамғармаси (60,2%).

Молиялаштириш манбаси ва асосий буюртмалар: Корхонанинг хўжалик фаолиятидан олинган маблағлари.

Чиқарилган акция: **6 474 591 091 дона** оддий акцияга бўлинган.

Бир дона акциянинг номинал қиймати: **100 сўм.**

Статистик кодлар ОКЭД: **08990**

Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки: 2020 8000 9070 9802 0001, "Узмиллийбанк" Яшнобод БХМ

Электрон манзил: info@uztmk.uz

1.2 Корхона тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари

Ўзбекистон Республикаси саноати учун муҳим бўлган минерал хом-ашё базасини шакллантириш, фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва улар негизида **нодир** ва **ноёб ер ости металларидан юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш** бўйича илмий-инновацон ишланмалар кўламини кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги **ПҚ-182-сон қарорига мувофиқ**, "Олмалиқ КМК" АЖ Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш заводи бўлинмаси негизида **"Ўзбекистон технологик металлар комбинати" АЖ** ташкил этилди.

Нодир металлар ва қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқариш заводи *(собиқ Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати)* қарийб **70 йиллик тажрибага эга** бўлган МДҲдаги **вольфрам, молибден концентратлари** ва **металларнинг парчаларини қайта** ишлаш бўйича тугалланган технологик жараёнга эга **Ўрта Осиёдаги ягона энг йирик корхона** ҳисобланади.

Завод ишлаб чиқариши иккита саноат майдонида жойлашган:

- **биринчи** саноат майдонида молибден, вольфрам, рений хом-ашёсидан мураккаб юқори технологиялар асосида ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

- **иккинчи** саноат майдонида асосан тайёр маҳсулотлар - молибден, вольфрам, рений ва бошқа нодир металларга асосланган қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 2019 йилда **Ўзбекистон-Корея илмий технологик маркази** ўз фаолиятини бошлади.

Комбинатни ўзининг **вольфрам хом-ашёси билан таъминлаш** мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Ингичка" вольфрам конининг ер ости майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди ва **2022** йил **1 декабрда** Ингичка бойитиш фабрикаси техноген чиқиндиларидан вольфрам концентратини ишлаб чиқаришнинг **1-босқичи** ишга туширилди.

2024 йил **30 августга** келиб **вольфрам концентратини** ишлаб чиқаришнинг **2-босқичи** ишга туширилди.

Саноат учун муҳим минераллар хом-ашё базасини шакллантириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182-сон қарорига асосан комбинатга Ўзбекистон Республикасида ўзлаштирилиши истиқболли бўлган саноат учун муҳим ҳисобланган **31 турдаги минералларни** ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, ундан маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича вазифалар қўйилган.

Белгиланган режалар асосида Ўзбекистонлик маҳаллий олимлар, мутахассислар хорижлик етук компаниялар мутахассислари билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Ишлаб чиқариш қуввати	Қувватдан фойдаланиш						
				2024 йил	%	2025 йил	%	Модернизация ва янги қувватлар ҳисобига	2026 йил	%
1	Тетромолибдат аммоний тузи	тн	1 300	1 197,2	92,1	1 309,7	100,7	-	1 326,1	102
2	Молибден уч оксиди	тн	1 200	1 179,9	98,3	1 265,3	105,4	-	1 295,6	108
3	Молибден штабиги ва брикети	тн	1 100	779,6	70,9	830	75,5	-	850	77,3
4	Вольфрам концентрати (60%) (Ингичка бойитиш фабрикасидан)	тн	300	188,6	62,9	300	100	200	500	100,0
5	Вольфрам уч оксиди	тн	100	40,7	40,7	96	96,0	200	284,9	95,0
6	Вольфрам штабиги ва брикети	тн	164	0	0	45,4	27,7	16	179,0	99,4
7	Рений металли	тн	2,1	0	0	2,1	100	-	2,4	114
8	Соф селен	тн	0					28	28	100
9	Соф теллур	тн	0					4	4	100
10	Қаттиқ қотишмали маҳсулотлар ва кукунма	тн	80	16,4	20,5	37,7	47,1	-	39,6	49,5
11	Олов бардош керамик маҳсулотлар	тн	1 580	1 279,2	81,0	1 588,4	100,5	-	1 604,2	101,5
12	Сульфат кислота	минг тонна	0	0	0	0	0	125	125	100
13	Кукун металлургияси	минг дона	0	0	0	0	0	20 000	20 000	100

1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси тўғрисида маълумот

ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ

Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

1. **Олий бошқарув органи** - Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

2. **Кузатув кенгаши** - Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи орган;

3. **Бошқарув** - Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи коллегиал ижроия органи.

Жамиятнинг назорат органлари:

- **Ички аудит хизмати** - Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашни амалга оширади;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши **йилда камида бир марта**, молия йили тугаганидан кейин **олти ой ичида** ўтказилади. Йиғилишлар оралиғида Жамият фаолиятини умумий бошқариш Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Жамиятнинг **кундалик фаолиятини бошқариш 7 кишидан** иборат ижро этувчи орган – Бошқарув томонидан амалга оширилади:

1. **Абдуллаев Фарход Равшанович** – Бошқарув раиси;

2. **Набиев Шавкат Ражабалиевич** – Бошқарув раисининг Халқаро ҳамкорлик бўйича маслаҳатчиси;

3. **Каримов Ўктамжон Деҳқонбоевич** – Бошкарув раисининг биринчи ўринбосари - Иқтисодиёт ва молия департаменти директори;

4. **Рўзиев Улуғбек Неъматович** – Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари - Қазиб олиш ва металлургия департаменти директори;

5. **Абидов Амир Илгизович** – Бошқарув раисининг инновациялар ва технологик ривожланиш бўйича ўринбосари;

6. **Турдибаев Абдурауф Абдукаримович** – Бошқарув раисининг ўринбосари - тижорат департаменти директори;

7. **Алиев Гудрат Саматович** – Юридик таъминот бошқармаси бошлиғи



1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар тўғрисида маълумот

Жами ходимлар: – **1 585 нафар**
Раҳбарлар – **191 нафар**
Мутахассислар – **185 нафар**
Техник ходимлар – **33 нафар**
Ишчилар – **1 176 нафар**

Маълумоти	Сони	Шундан, аёллар	Фоиз
Жами	**1 585**	**498**	**31,42%**
1. Маълумоти			
Олий	351	52	14,81%
Ўрта – махсус	697	264	37,88%
Ўрта	537	182	33,89%
2. Ёш тоифаси бўйича			
16 ёшгача	-	-	-
18-25 ёш	59	6	10,17%
26-30 ёш	210	44	20,95%
31-40 ёш	371	148	39,89%
41-50 ёш	291	138	47,42%
51-54 ёш	410	79	19,27%
55 ва ундан юқори	244	83	34,02%
3. Миллати бўйича			
Ўзбек	1 142	316	27,67%
Қозоқ	182	66	36,26%
Рус	37	21	56,76%
Тожик	158	67	42,41%
Татар	34	16	47,06%
Бошқалар	32	13	40,63%

“Ўзбекистон технологик металлар комбинати” АЖда ойлик иш ҳақи

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2025 йил			
			Йил бошидан		Октябрь	
			режа	амалда	режа	амалда
1	Ходимлар сони	киши	1 552	1 585	1 552	1 585
2	Ойлик иш хаки фонди	млрд. сўм	135,72	133,91	16,5	13,0
3	Ўртача ойлик иш хаки	млн. сўм	8,7	8,4	9,6	9,4
4	Мехнат унумдорлиги	млн. сўм/1 киши	393,06	399,38	59,79	60,65

1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи

Ҳозирги кунда:

- Комбинатнинг асосий маҳсулотлари металл вольфрам, молибден ва рений, бунда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг камида **80 фоизи молибден маҳсулотларига тўғри келади**.

Хом-ашё базаси:

1. **Вольфрам** хом-ашёси:

- Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Ингичка бойитиш фабрикасида эски тўпланмаларни қайта ишлаш орқали олинмоқда.

Молибден хом-ашёси:

- Ҳозирда "Олмалиқ КМК"дан молибден куюндиси олинмоқда.

Рений хом-ашёси

- Навоий вилоятидаги собиқ ДУК "Навоийуран" худудига тегишли бўлган ноёб ер элементлари цехида ишлаб чиқариладиган перренат аммония олинмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёни:

- Молибден концентратини сода билан ишқорлаш усулида олиш ва кейинчалик молибденни эритмалардан сорбция қилиш тизими жорий этилган.

- Молибден саноат маҳсулотидан (промпродукты) гидрометаллургия усули билан молибден тузлари ишлаб чиқарилади (металл миқдори 70% гача).

- Олинган маҳсулотдан металл молибден штабиклари ва брикетлар тайёрланади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилган бўлиб, экспорт ҳажми ишлаб чиқаришнинг 81 фоизигача етган.

1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

"Ўзбекистон технологик металлар комбинати" АЖда **ISO 9001:2015** халқаро стандарти талабларига мувофиқ сифат менежменти тизими SMK **CERT International** халқаро сертификатлаштириш органи томонидан жорий этилди.

ISO 9001:2015 – сифат менежменти стандарти ташкилотдаги иш самарадорлигини оширишга, бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Стандарт ташкилотларга ўз фаолиятини яхшилашга, мижозларнинг талабларини қондиришга ва сифатга содиқлигини намойиш этишга хизмат қилади. Унинг талаблари сифат менежменти тизимини (СМТ) яратиш, жорий этиш, техник хизмат кўрсатиш ва доимий такомиллаштириш тартибини белгилайди.

"Ўзбекистон технологик металлар комбинати" АЖ **сифат сиёсатини ишлаб чиқди** ва **аниқ мақсадларни белгилаб олди**.

Корхонада СМТ фаолият доираси молибден, вольфрам, рений брикетлари ҳамда қотишмалари, карбид ва керамика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишга қаратилган.

Истеъмолчиларимизнинг эҳтиёж ва талабларини қондиришга йўналтирилган комбинат бошқаруви самарадорлигининг асосий мезони - молибден, вольфрам ва рений брикетлари, ҳамда қаттиқ қотишмалар ва керамика маҳсулотларини сифатли ва ўз вақтида етказиб беришдир.

ISO 9001 стандартининг жорий этилиши бизнинг ташкилотда самарали жараёнлар қўлланилишини ва ходимлар малакаси оширилишини англатади, бу эса бизга сифатли маҳсулотларни мунтазам етказиб беришга имкон беради.

ISO 9001:2015 талабларига мувофиқлик сертификати компаниянинг юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришини тасдиқлайди, унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширади, халқаро тендерларда иштирок этиш, халқаро кредитларни жалб қилиш ва инвестицияларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради.

II. Корхонани ислоҳ қилиш

Комбинатда трансформация офиси ташкил этилиб, кончилик соҳасида профессионал тажрибага эга бўлган **АҚШ, Туркия, Хитой, Қозоғистон** ва **Россия**дан **9 нафар** халқаро мутахассислар жалб қилинди.

Трансформацияни мақсади – хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратишга қаратилган республикада саноат учун муҳим минералларни ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш, замонавий корпоратив ва молиявий бошқарув тизимларини жорий этиш, инсон капиталини ривожлантириш, халқаро стандартлар, инновациялар ва рақамлаштиришни жорий этиш, бошқарув ва бизнес жараёнларини оптималлаштириш ҳамда халқаро тан олинишга эришишдан иборат.

Бунинг учун:

- ҳисобот ва захираларни баҳолаш (JORC кодекси);
- экология (ISO 14001 атроф-муҳитни бошқариш тизими);
- ижтимоий масалалар (ISO 45001 меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизликни бошқариш тизими);
- сифат (ISO 9001 сифат менежменти тизими, ISO 17025 синов ва калибрлаш лабораторияларининг малакасига қўйиладиган умумий талаблар, IATF 16949 автомобиль саноати учун сифат менежменти тизими);
- операцион фаолият (ISO 55001 активларни бошқариш);
- молиявий ҳисобот (ISO 31000 рискларини бошқариш);
- комплаенс (ISO 37001 порахўрликка қарши бошқарув тизими ва ISO 37301 комплаенс бошқарув тизими) соҳаларида **халқаро стандартлар жорий этилди,** ҳамда коррупсияга қарши BSI сертификатини олиш режалаштирилган. Улар конлардан фойдаланиш, металл маъданларни қазиб олиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва комбинат фаолияти самарадорлигини оширишни қамраб олади.

Жорий йилда Комбинат илк бор жаҳон миқёсидаги бир қатор нуфузли ташкилот ва ассоциацияларнинг тўлақонли аъзоси сифатида тан олинди. Жумладан: Халқаро Вольфрам Саноати Ассоциацияси (**ITIA**), Халқаро Молибден Ассоциацияси (**IMOA**), Халқаро Магний Ассоциацияси (**IMA**), Европа Муҳим Хомашё Альянси (**ERMA**), Европа Илғор Углерод ва Графит Материаллари Ассоциацияси (**ECGA**), Критик Минераллар Институти (**CMI**), Австралия Минерал Саноати Тадқиқот Ассоциацияси (**AMIRA**) каби халқаро ассоциацияларга аъзолик орқали Комбинат Европанинг стратегик минераллар сиёсатининг фаол иштирокчисига айланди.

Халқаро шериклик доирасида Комбинатнинг ҳамкорлар географияси сезиларли даражада кенгайишига эришилди. Жумладан, **KU Leuven** университети (Бельгия), **Purdue University** (АҚШ), **Solvomet Group**, **Datamine International Limited**, **SGS Group** (Швейцария), **West High Yield Resources** (Канада), **Kon Chemicals GmbH** (Австрия) каби етакчи илмий ва саноат ташкилотлари билан узоқ муддатли ва стратегик ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Илмий ҳамкорлик ва инновацион ташаббуслар - 2025 йилда Илмий-техник ҳамкорлик бошқармаси Германиянинг **Фрайберг тоғ-кон академияси (TUBAF)** билан узоқ муддатли илмий ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳамкорлик доирасида Европа

Иттифоқининг **“Horizon Europe”** дастурида **“Tiberium”** номли илмий-грант лойиҳасини шакллантириб, Европа Иттифоқига тақдим этди.

2026 йилда муҳим лойиҳа – материалларни тўлиқ спектрли таҳлил қилиш ва **120** дан ортиқ тадқиқотларни амалга оширишга мўлжалланган **Марказий нанотаҳлил лабораторияси** ташкил этилади. Лабораторияни ташкил этишга жами **8,7 млн** доллар **Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан** жалб қилиниши кўзда тутилган.

Таълим ва кадрлар салоҳиятини ошириш - 2025 йилнинг 15 майида Комбинат ҳузурида **“Технологик металлар олий мактаби”** таълим экотизими фаолияти йўлга қўйилиб, илк бор 20 нафар бакалавр ва 8 нафар магистр талабалар қабул қилинди.

Олий мактаб Италиянинг **Пиза университети**, Хитойнинг **Геология фанлар университети (CUG)**, ҳамда **Ўзбекистон Фанлар академияси** ва **Геология фанлар университети** билан ҳамкорликда илмий-таълим дастурларини амалга оширмоқда.

Комбинат мутахассислари учун халқаро малака ошириш дастурлари доирасида, Жанубий Кореядаги **Korea Testing & Research Institute (KTR)** билан ҳамкорликда **10 нафар муҳандис** курсларда қатнашди, **Массачусетс Технология Институти** (MIT, АҚШ) билан **100 нафар мутахассис**ни тайёрлаш бўйича келишувга эришилди.

Халқаро тадбирларда фаол иштирок

Комбинат 2025 йилнинг 24–25 июнь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган **“MINEX Central Asia – 2025” халқаро форуми**да асосий ташкилотчилардан бири сифатида фаол иштирок этди. Ушбу нуфузли тадбир доирасида технологик металлар соҳасидаги инновацион ишланмалар, илмий-тадқиқот лойиҳалари ва халқаро ҳамкорлик имкониятлари кенг муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, 2026 йилда Канадада бўлиб ўтадиган **PDAC – 2026** халқаро форумида “Ўзбекистон ТМК” АЖ иштирокини таъминлаш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган бўлиб, мазкур форум Комбинатнинг глобал миқёсдаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва янги инвестиция йўналишларини йўлга қўйишда муҳим қадам бўлади.

Шунингдек, халқаро форум ва кўргазмаларда 26 та ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, халқаро майдонда 3 та вакилликлар очилиши (Хитой, Бельгия, Туркия), экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида АҚШ, Япония ва Европанинг бир қатор давлатлари билан (Туркия, Англия, Швейцария, Германия) келишувлар, 102 шартномалар имзоланиши (инвестиция келишувлари 23 та, технологик келишувлар 21 та, савдо келишувлари 34 та, кадрлар тайёрлаш 5 та, молиялаштириш бўйича 19 та) келишиб олинган.

Инновацион экотизим ва келгуси истиқболлар

Комбинат ташаббуси билан инновацион экотизимни яратиш доирасида **“Келажак металлар технопарки”** концепцияси ишлаб чиқилди, уни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси тайёрланди. 2026 йилда ушбу технопаркни халқаро ассоциациялар аъзолигига киритиш ва хорижий инвесторларни жалб этиш режалаштирилган.

Йил якуни бўйича умумий хулоса сифатида Илмий-техник ҳамкорлик бошқармаси кўрсатган натижалар “Ўзбекистон ТМК” АЖнинг халқаро илмий-техник ҳамкорликда янги босқичга кўтарилганини, мамлакатимиз технологик металлар соҳасида жаҳон миқёсида ишончли ҳамкор сифатида тан олинганини намоён этди. Комбинат фаолияти натижасида Ўзбекистоннинг минерал ресурслар соҳасига халқаро ташкилотлар, илмий марказлар ва инвесторлар қизиқиши ортиб бормоқда, бу эса соҳа ривожланишининг янги стратегик босқичини бошлаб берди.

Халқаро форум ва кўргазмалар 26 та

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР:

I. Очилаётган вакилликлар: 3 та:

1. Хитой (ТМК)
2. Бельгия (EIT Raw Materials)
3. Туркия (OSTIM)

II. Янги бозорлар:

1. Туркия (OSTIM - 2 млрд. долл.)
2. АҚШ (CCMA - вольфрам)
3. Япония (NIC Japan - вольфрам)
4. Англия (Maritime House - рений)
5. Швейцария (Hempel Intermetaux - молибден, вольфрам)
6. Германия (RETORTE - селен, теллур)

IV. Имзоланган шартномалар: 102 та

1. Инвестиция келишувлари: 23 та
2. Технологик келишувлар: 21 та
3. Савдо келишувлари: 34 та
4. Кадрлар тайёрлаш: 5 та
5. Молиялаштириш бўйича 19 та

Ўзбекистонда илк бор критик минераллар бўйича халқаро форуми ўтказилди

MINEX МАРКАЗИЙ ОСИЁ-2025

(2025 йил 24-26 июнь)

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Мамлакатлар сони: 21 та

Компаниялар сони: 52 та

Меҳмонлар сони: 400 та



2025 CENTRAL ASIA MINEX

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР:

Имзоланган ҳужжатлар: 15 та

Инвестиция келишувлари: 2 та (602 млн долл)

Грант лойиҳалар: 2 та (11 млн долл) *горизонт*

Савдо шартномалари: 2 та (7 млн долл)

Лаборатория шартномалари: 3 та

Технология шартномалари: 4 та

Таълим шартномалари: 2 та

ИЛҒОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМПЛЕКСЛАРИГА ТАШРИФ

1. XIAMEN TUNGSTEN GROUP



ЭРИШИЛГАН НАТИЖА:

XIAMEN TUNGSTEN GROUP намунаси асосида **ТМК корхоналарини модернизация қилиш** ҳамда **тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш** бўйича келишувларга эришилди.

2. OSTIM



ЭРИШИЛГАН НАТИЖА:

ОСТИМ билан хамкорликда "Технологик металлар" **инновацион экотизими** ташкил этиш бўйича шартнома имзоланди.

ХАЛҚАРО УЮШМАЛАР

9 та халқаро уюшмаларга аъзо бўлди

Европа **углерод** ва **графит** материаллар уюшмаси

Камёб ер металлари саноати уюшмаси

Европа хомашё альянси

Критик минераллар институти (CMI)

Халқаро **вольфрам** саноати уюшмаси (ITIA)



Халқаро **магний** уюшмаси

Халқаро **литий** уюшмаси (ILiA)

Австралия **минерал саноати** тадқиқот уюшмаси

Халқаро **молибден** уюшмаси

КУТИЛАЁТГАН СТРАТЕГИК НАТИЖАЛАР

MINE

Конлар бўйича **технологик регламент**, **техник-иқтисодий асослаш** ва **инвестор топишда** ҳамкорлик қилиш имконияти.

METAL

Металларни ажратиб олиш ва **қайта ишлаш** бўйича янги **замонавий технологияларни жорий қилиш** имконияти.

MARKET

Глобал бозор прогнозлари ва экспорт **ҳажмини** ошириш имконияти.



ИННОВАЦИОН БЛОК - R&D ПАРК

R&D ПАРК



ТАРКИБ: 4 та марказ

1. Ўзбек-корейс нодир металлар маркази
2. Нано-таҳлил лаборатория
3. Муҳандислик хизматлари маркази
4. Инновация ва стартаплар департаменти

Умумий қиймати **27,6** млн долл | Иш ўрни **260** та | Ишга тушиш муддати **2026** й.

Марказий нано-таҳлил лаборатория


Қуввати: **1000 та намуна/кун**

Қиймати: **8,7 млн долл**

Муддати: **2026 йил март**

Ускуналар: **58 турда, 11 та давлатдан**

Эришиладиган иқтисодий кўрсаткичлар



Муҳандислик хизматлари маркази

Хизматлар: **8 та**

Лойиҳалар: **15 та**

Инновация ва стартаплар департаменти

Стартаплар: **10 та**

Резидентлар: **10 та**

Ўзбекистон–Корея нодир металлар илмий-технологик маркази

ODA грант маблағлари **11,2** млн долл

Ўзлаштирилган ODA гранти **7,7** млн долл





Олиб келинган ускуналар

Пилот тадқиқот учун **22** та

Лаборатория тадқиқотлари учун **8** та

Кореяда малака оширилди: **30** та мутахассис

Янги ишланмалар

Нано қопламалар: (лаборатория усулида)	Титан нитрид, титан алюминий нитрид, алюминий титан нитрид
Қотишма ва нанокомпозитлар: (пилот усулида)	Тантал карбид, тантал вольфрам карбид, мис-никель, вольфрам-рений, никель асосида суперқотишма (лаб. усулида)
Қоплама олиш учун нишонлар: (пилот усулида)	Никель, вольфрам, молибден, мис, рух, алюминий оксиди.

KTC KITECH KIAT KORAM

МАХАЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТЛАР



БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШГА ОЛИШ

ТЕХНИКУМЛАР БИЛАН ХАМКОРЛИК



БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШГА ОЛИШ

ТЕХНОЛОГИК МЕТАЛЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ

Хитой геофанлар университети **ТОП-1** *геология бўйича*

Массачусетс технология институти (АҚШ) **ТОП-1**

Лёвен университети (Бельгия Қироллиги) **ТОП-27**

Пиза университети (Италия) **ТОП-400**

Поханг университети (Корея) **ТОП-100**

Пурду университети (АҚШ) **ТОП-100**



ҲОРИЖИЙ УНИВЕРСИТЕТЛАРДА ЎҚИТИШ

МАЛАКА ОШИРИШ

10 та ҳодим — **КОРЕЯ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ** *(амалга оширилди)*

2025 йилда

20 та ҳодим — **МАССАЧУСЕТС ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ (АҚШ)** (2025 й. декабрь)

2026 йилда

10 та ҳодим — **ПИЗА УНИВЕРСИТЕТИ (ИТАЛИЯ)**

80 та ҳодим — **МАССАЧУСЕТС ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ (АҚШ)**

Марказлашитирилган маълумотлар маркази



ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш	MES	**2026** йил **июнь**
Молиявий ҳисобот ва шаффофлик	IFRS, GRI, EITI	**2026** йил **июль**
Сифат ва операцион фаолиятни бошқариш	ISO 45001 ва 55001	**2026** йил **декабрь**
Ҳисобот ва заҳираларни баҳолаш	**JORC Code** (Австралия)	**2025-2026** йиллар

Асосий маълумот	Изохлар
Маълумотларни марказлаштириш	Корхонанинг барча маълумотлари ягона платформада йиғилиб, қайта ишланади.
AI элементлари	6 йўналиш
Суний интеллект йуналиши	KPI, ассистент, ёқилғи назорати, хавфсизлик, предиктив диагностика, энергия истеъмоли таҳлили
Жорий этиш босқичлари	2026 йиллар

Pit-to-Port: Кончиликдан сўнги нуқтагача жараёнларини назоратини самарадорлиги

- Қазиш ишлари
- Қайта ишлаш
- Таъминот жараёнларини
- Етказиб бериш
- Ходимлар ва тизим амарадорлиги кўрсаткичлари
- Ишлаб чиқариш ҳажми
- Энергия самарадорлиги
- Узоқ муддатли барқарорлик

MIT нинг кадрлар учун ўқув курслар дастури:

- ✓ Аддитив технологиялар
- ✓ Архитектура ва тизимли инжиниринг
- ✓ Биоманафактуринг (дорилар учун биотехнология)
- ✓ Киберхавфсизлик: технология ва сиёсат
- ✓ Data Science ва Big Data Analytics
- ✓ IoT: акилли курилмалар технологиялари
- ✓ Суний интелектга ассосланган видео аналитика, моделлаштириш ва симуляциялар
- ✓ Технологик инновациялар ва трансформациялар

БАЖАРИЛГАН ИШЛАР

- ✓ Вазиятлар маркази ва Маълумотларни қайта ишлаш маркази бўйича буюртмачига ишлаб чиқилган ва маъқулланган лойиҳа тақдим қилинган. Лойиҳага асосан буюртмачи томонидан тижорат таклифи берилган. Жиҳозларга буюртма берилган, ишлаб чиқариш қисман бошланган.
- ✓ Бино ва иншоотларда ёнғин ҳақида огоҳлантириш, видеокузатув, тармоқлар, кириш-чиқишни назорат қилиш ва бошқариш тизимларини монтаж қилиш ишлари бошланган.

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1 Бозор таҳлили


Комбинат ишлаб чиқариш қуввати кенг турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, бу гидрометаллургик усулда вольфрам ва молибден концентратларини қайта ишлашдан тортиб, вольфрам ва молибден тузларини пирометаллургик қайта ишлаш ва якуний истеъмол маҳсулотлари, жумладан, металл вольфрам ва молибден, турли хил мақсадлар учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда комбинат молибден, вольфрам ва рений хом-ашёсидан металлургия, кончилик, кўмир, нефть, авиация, машинасозлик ва бошқа кўплаб саноат тармоқлари учун **100 дан ортиқ маҳсулот** ишлаб чиқаради. Сўнгги йилларда комбинат турли саноат тармоқлари учун кенг ассортиментдаги маҳсулотларни ўзлаштирди, шу жумладан, ички бозорда талаб юқори бўлган вольфрам карбиди асосидаги қаттиқ қотишмалар ва керамика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошлади.

Асосий ишлаб чиқариш фаолияти экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, бу маҳсулотлар умумий реализация суммасининг 81% дан ортиғини ташкил қилади.

2025 йилда маҳсулотлар реализацияси (январь-октябрь)





- Молибден – 463,8 млрд. сўм
- Вольфрам – 15,9 млрд. сўм
- Рений – 11,9 млрд. сўм
- Бошқа маҳсулотлар – 121,4 млрд. сўм

Жами: 613 млрд. сўм

3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

Экспорт маҳсулотлари истеъмолчилари:

1. Нидерландия
2. Бельгия
4. Германия
5. АҚШ
6. Арманистон
7. Хитой Халқ Республикаси

Ички бозор маҳсулотлари истеъмолчилари:

1. "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ
2. "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ
3. "Ўзметкомбинат" АЖ
4. "Chirchiq Transformator Zavodi" АЖ
5. "Литей-механика заводи" ДК
6. "Андижон механика заводи" ДК
7. "Тошкент қувур заводи" ҚК МЧЖ
8. "ERIELL WELL SOLUTIONS" ХК ҚК
9. "VERIF" МЧЖ
10. "Sanoat Energetika Guruhi" ҚК
11. "UYCHI-ZARAFSHON TRANS SERVIS" МЧЖ ва бошқалар

3.3 Рақобат

Комбинат ички бозорда молибден маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда ягона ҳисобланади.

Комбинатнинг жаҳон бозоридаги иштироки мавжуд ишлаб чиқариш ҳажми **780 – 850 тонна** молибденни ташкил этган ҳолда (0,3%), жаҳон миқёсида молибден ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми **285 минг тонна** ни ташкил этади.

Бозордаги улушни **0,42% гача ошириш мумкин**, бунинг учун хом ашё етказиб бериш ҳажми ва комбинат қувватларининг юкланишини йиллик **1 200 тоннагача** ошириш керак.

Молибден ишлаб чиқариш бўйича жахон бозорида фаолият юритувчи энг асосий йирик ишлаб чиқарувчилар:

1. Freeport-McMoRan (АҚШ)
2. China Molybdenum Co., Ltd. (Хитой Халқ Республикаси)
3. BHP (Буюк Британия)
4. Minera Doña Inés De Collahuasi S.C.M. (Чили)
5. Centerra Gold Inc. (Канада)
6. Antofagasta PLC (Буюк Британия)
7. Grupo México (Мексика)
8. Moly Metal L.L.P (Люксембург)
9. ENF Ltd. (Буюк Британия)
10. Jinduicheng Molybdenum Co., Ltd. (Хитой Халқ Республикаси)

Жахон бозорида йирик хажмда молибден ишлаб чиқарувчи ДАВЛАТЛАР

Мамлакат	Йиллик ишлаб чиқариш хажми	Компания номи	Маҳсулот тури (ассортименти)
Хитой Халқ Республикаси	**100 000** тонна	- China Molybdenum Co. Ltd. - China Northern Rare Earth Group - High-Tech Co. - Jiangxi Copper Corporation	Молибден руда, Молибден оксиди, Ферромолибден, Молибден прути, Молибден лист ва бошқа
Чили	**44 000 тонна**	- Codelco - Antofagasta Minerals - Minera Doña Inés De Collahuasi S.C.M	
АҚШ	**42 000 тонна**	- Freeport-McMoRan - Molybdenum Corporation of America - Southern Copper Corporation	
Перу	**32 000 тонна**	Southern Copper Corporation	
Мексика	**16 000 тонна**	Grupo México	Молибден концентрати, Ферромолибден, Молибден кукуни
Арманистон	**7 800 тонна**	Zangezur Copper Molybdenum Combine	
Эрон	**3 500 тонна**	- National Iranian Copper Industries Company - Iran Molybdenum Company	
Монголия	**2 300 тонна**	- Erdenet Mining Corporation -Oyu Tolgoi	

"Ўзбекистон технологик металлар комбинати" АЖ республикада токарлик, фрезалаш, бурғулаш ва бошқа асбоблар учун вольфрам карбиди асосида барча турдаги қаттиқ қотишмали пластиналарини ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан биридир.

Маҳсулотларни импорт ўрнини босиш дастури асосида республика ичидаги корхоналарга, шунингдек "O'zRTXB" АЖ, "Hayot Birja" АЖ, "Elektron Kooperatsiya Portali" АЖ, "Ecoplatforma" АЖ "Spot UZEX" АЖ электрон биржа савдолари майдончалари орқали ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотади.

Республика ички бозорида қаттиқ қотишмали маҳсулотларни (пластиналар, кескичлар ва бошқа қаттиқ қотишмали маҳсулотлар) ишлаб чиқаришда асосий рақобатчиси – «DURMON DRILLING TOOLS» МЧЖ, «TBC METALL» МЧЖ, «BVB ALYANS» МЧЖ ҳисобланади, ҳамда Хитой ва Россия Федерациясия давлатлари импорт қилади.

Вольфрам маҳсулотлари бўйича жаҳон бозорининг ўзига хос хусусиятлари орасида Хитойнинг табиий монополияси мавжуд, чунки **Хитой дунё бўйича** вольфрам маҳсулотларининг **80 фоизини** ишлаб чиқаради.

Шунингдек, бошқа қазиб олувчи ишлаб чиқарувчилар томонидан вольфрам хом ашёси таклифи бекарор бўлиб, жаҳон бозорида вольфрам маҳсулотларининг нархлари ўзгариб туради.

3.4 Маркетинг режаси

Ишлаб чиқарилаётган молибден, вольфрам ва бошқа маҳсулотларнинг экспорт шартномалари бўйича сотилиш нархлари **"Fastmarkets Metal Bulletin" ва Argus Metals** платформалари томонидан эълон қилинган котировкаларга асосан белгиланади.

Экспорт маҳсулотлари FCA **"Incoterms 2020"** шартлари асосида жўнатилади (сотувчи ўзининг ташқи савдо шартномасидаги мажбуриятларини бажаради, маҳсулотни маълум бир транспорт воситасига юклаб, белгиланган жойда харидорнинг тасарруфига ўтказганида ва у ерда божхона томонидан экспорт жараёнида расмийлаштирилганида).

Маҳсулотларни етказиб бериш, импорт бўйича расмийлаштириш ишларини амалга ошириш ва маҳсулотнинг тасодифий йўқолиши ёки зарар кўриши хавфини ўтказиш харажатлари, кўрсатилган етказиб бериш шартлари асосида харидор томонидан амалга оширилади.

Комбинат томонидан молибден маҳсулотлари экспорти

(тонна)

Мамлакат	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025 Январь-Октябрь
Жами:	**378,57**	**622,98**	**504,8**	**682,68**	**810,23**	**755,31**	**840,7**	**759,83**	**673,63**
Нидерландия	378,57	221,0	456,8	638,68	717,23	430,97	44	71,96	50,03
Беларуссия	-	-	-	8	27	19			
Россия	-	-	-	16	26	106,25	28,48		
Бельгия	-	-	-	-	20		768,22	687,87	611,98
Эстония	-	-	-	20	20	199,09			
Франция	-	401,98	-	-	-				
Украина	-	-	31	-	-				
АҚШ	-	-	17	-	-				1,63
Хитой Халқ Республикаси									9,99

Комбинат томонидан вольфрам маҳсулотлари экспорти

(тонна)

Мамлакат	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025 Январь-Октябрь
Жами:				**35,91**	**44,69**	**5,99**	**14,96**		**23,49**
Беларуссия	-	-	-	14,95	42,69	0,8	-	-	
Россия	-	-	-	10,98	2	5,19	14,96	-	
Украина	-	-	-	9,98	-	-	-	-	
Нидерландия	-	-	-	-	-	-	-	-	9,46
Арманистон	-	-	-	-	-	-	-	-	14,03

Комбинат томонидан рений маҳсулотлари экспорти

Мамлакат	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025 январь-октябрь
Жами:									0,55
Нидерландия	-	-	-	-	-	-	-	-	0,35
Германия	-	-	-	-	-	-	-	-	0,20

Комбинат томонидан ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилари учун тасдиқланган нархлар бўйича **“O‘zRTXB”** АЖ порталларига **(“Электрон кооперация портали”, “E-xarid”** ва бошқалар) жойлаштирилади.

IV. SWOT-таҳлили

S- Strengths (кучли тарафлари)	W - Weaknesses (заиф тарафлари)
1. Волфрам ва молибден каби ноёб металларни чуқур қайта ишлаш технологиясига эга; **2.** Кукун металлургияси соҳасида 65 йилдан ортиқ тажриба; **3.** Тегишли инфратузилма мавжудлиги: - Хом ашё етказиб бериш учун темир йўл тармоғи; - Барқарор электр таъминоти; - Ўз водород станцияси; **4.** Маҳсулотларнинг 81% дан ортиғи экспортга йўналтирилган. **5.** Вольфрам, молибден ва қаттиқ қотишмалардан тайёрланган маҳсулотларнинг профессионал ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси.	**1.** Замонавий ноёб металлар ишлаб чиқарувчиларидан технологик қолоқлик. **2.** Мавжуд технологик жараёнлар модернизацяни талаб қилади: - Ускуналарнинг эскирганлиги; - Паст даражадаги автоматлаштириш; - Ишлаб чиқариш ишончлилиги пастлиги. **3.** Малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг йўқлиги; **4.** Хомашё вақтида етказиб берилмагани ва хажми чегаралангани.
O-Opportunities (имкониятлар)	**T-Threats (хавфлар)**
1 Ишлаб чиқариш ва технологияларни бозор талабларига мослаб модернизация қилиш. **2.** Маҳсулот сифатини ошириш; **3.** Маҳсулот турларини кенгайтириш. **4.** Янги бозорларни ўзлаштириш. **5.** Фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш: - Ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш; - Ишлаб чиқаришни модернизаця қилиш; - Янги конларни ўзлаштириш. **6.** Жаҳон бозорида технологик металларга талабнинг ортиши.	**1.** Хорижий ишлаб чиқарувчилар билан рақобатнинг кучайиши. **2.** Жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатининг пасайиши натижасида металларга талабнинг камайиши. **3.** Энергия ресурслари нархининг ошиши. **4.** Маҳсулот нархининг юқорилиги сабабли истеъмолчиларнинг йўқотилиши.

V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

1. Электр энергияси таъминоти

Электр энергияси таъминоти "Чирчиқ ГЭСлар каскади" УКдан (10-ГЭС) чиқувчи Л-10-Т ва **"Қодирия ГЭСлар каскади"** УКдан (15-ГЭС) чиқувчи Л-15-Т 35 кВ ҳаво линиялари орқали Бош пасайтирувчи подстанциядаги (БПП-1) **2 дона** умумий қуввати **10 000 кВА** бўлган 35/6 кВли трансформаторлари орқали узлуксиз таъминланади.

"Тошкент ИЭС" АЖдан чиқувчи **Л-0-3-1 110 кВ** ҳаво линияси орқали Бош пасайтирувчи подстанция (БПП-2)даги **1 дона** умумий қуввати **15 000 кВА 110/6 кВ** трансформатори орқали заҳира электр энергияси билан таъминланади.

Электр энергияси таъминоти ишончлилиги бўйича II тоифага мансуб бўлиб, "Тошкент ҳудудий электр тармоқлари" АЖ Чирчиқ шаҳар филиали орқали етказиб берилади.

Ингичка бойитиш фабрикасининг электр энергияси таъминоти ишончлилиги бўйича II тоифага мансуб бўлиб, "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари" АЖ Каттақўрғон шаҳар филиали орқали етказиб берилади.

Умумий электр энергияси истеъмоли цехлар кесимида:

- Водород-кислород участкаси – 45 %;
- Молибден ва вольфрам ишлаб чиқариш бўйича пирометаллургия цехи – 23,0 %;
- Компрессор ва насос станцияси – 11,7 %;
- Молибден ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича гидрометаллургия цехи – 6,6 %;
- Буғ-қозон участкаси – 3,7 %;
- Қаттиқ қотишмалар ва композит материаллар ишлаб чиқариш цехи – 2,4 %;
- Бошқа истеъмолчилар – 7,6 %.

Электр энергиясини тежаш учун умумий қуввати **2 070 кВт** бўлган қуёш панеллари ўрнатилган бўлиб, йилига **2,3 млн кВт/соат** электр энергияси ишлаб чиқаради.

2. Табиий газ таъминоти

"Ҳудудгаз Тошкент газ таъминоти филиали" томонидан "Чирчикшахаргаз" ГТҚ орқали табиий газ етказиб берилади.

Табиий газ истеъмоли цехлар кесимида:

- Буғ ишлаб чиқариш учун – 85,0 %;
- Ўтга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун – 14,0 %;
- Бошқа эҳтиёжлар учун – 1,0 %.

3. Иссиқлик энергияси таъминоти

2 дона WNS-3-1,25, 2 дона SZS-9-3,2 ва 1 дона ДКВР-10/23 маркали буғ қозонлари орқали иссиқлик энергияси билан таъминланади.

Иссиқлик энергияси тақсимоти:

- Вольфрам ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш гидрометаллургия цехи – 36%;
- Молибден ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш гидрометаллургия цехи – 51%;

- Бошқа истеъмолчилар – 13%.

4. Водород-кислород ишлаб чиқариш

Водород-кислород ишлаб чиқариш участкасида 12 та СЭУ-40 маркали электролизёр (2 та БЭУ-250 маркали блокдан ташкил топган 6 та агрегат) мавжуд. Шундан **3 та** ишчи ҳолатда, **3 та** заҳира ҳисобланади.

1 та агрегатнинг ишлаб чиқариш қуввати: 480 м³/соат водород, 280 м³/соат кислород.

Умумий водород истеъмоли цехлар кесимида:

- Молибден ва вольфрам ишлаб чиқариш бўйича пирометаллургия цехи – 95 %;
- Қаттиқ қотишмалар ва композит материаллар ишлаб чиқариш цехи – 3 %;
- Нодир металларга чуқур ишлов бериш цехи – 2 %.

5. Сиқилган ҳаво ишлаб чиқариш

Сиқилган ҳаво билан таъминлаш учун қуйидаги жиҳозлар мавжуд:

- **3 та** SM-3100 маркали турбокомпрессор (ишлаб чиқариш қуввати 4 800 м³/соат);
- **2 та** ВВ-50 маркали компрессор (ишлаб чиқариш қуввати 3 000 м³/соат).

Умумий сиқилган ҳаво истеъмоли цехлар кесимида:

- Молибден ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича гидрометаллургия цехи – 92,7 %;
- Вольфрам ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича гидрометаллургия цехи – 5,3 %;
- Бошқа истеъмолчилар – 2,0 %.

6. Сув таъминоти

Саноат сув таъминоти учун насос станциясида Бўз-сув каналидан сўрувчи Д-350 маркали 3 та насос ўрнатилган. Шундан 1 та ишчи, 2 та заҳира ҳисобланиб, ишлаб чиқариш қуввати 1 080 м³/соатни ташкил қилади.

7. Оқова сув

1-чи ва 2-чи саноат майдонидан чиқувчи оқова сув қувурига алоҳида электрон ҳисоблагич ўрнатилган бўлиб, шаҳар марказий оқова сув қувурига уланади.

8. Энергия аудити

Комбинатда охирги марта **энергия аудити 2025 йилда ўтказилган** бўлиб, унда энергоресурсларининг йиллик ва маҳсулотнинг бирлик қийматларига сарфи бўйича таҳлил ишлари олиб борилган.

Қуёш панеллари тўғрисида

№	Манзил	Жами панеллар сони, дона	Ўрнатилган майдони м²	Ўрнатилган қуввати (кВт)	Электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми, *(млн. кВт/соат)*	
					2025 йил *(кутилиш)*	**2026 йил** *(режа)*
Ўрнатилган қуёш панеллари (мавжуд)						
	Жами:	**3 762**	**9 657**	**2 070**	**2,47**	**2,47**
1	Ингичка	627	1 593	345	0.52	0.52
2	Чирчиқ завод	3 135	8 064	1 725	1.95	1.95

№	Манзил	Жами панеллар сони,	Ўрнатилган майдони м²	Ўрнатилган қуввати (кВт)	Электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми, *(млн. кВт/соат)*	
2026 йилда ўрнатиладиган қуёш панеллари						
Жами:		**4 336**	**11 126**	**2385**		**1,407**
1	Чирчик завод	2 709	6 971	1 490		0,877
2	Ингичка	836	2 143	460		0,333
3	Перенат аммоний	627	1593	345		0,156
4	Контейнерлар	164	419	90		**0,041**

Энергия ресурсларини тежаш тўғрисида

Энергия ресурслар	2025 йил			2026 йил режа
	Лимит	Сарфланган *(кутилиш)*	Фарқ *(тежалган)*	
Истеъмолнинг **лимити** *(шартнома)*				
***Жами:* Электр энергия** *(минг. кВт×соат)*	58 550	51 498	**- 7 052**	**127 500**
Чирчиқ завод	50 460	46 437	**-4 023**	**65 370**
Ингичка	7 764	4 800	**-2 964**	**6 950**
Перенат аммоний ишлаб чиқариш	326	261	**-65**	**1 400**
Кукун металлургияси асосида деталлар ишлаб чиқариш	--	--	--	**980**
Сулфат кислота ишлаб чиқариш	--	--	--	**52 800**
Жами: Табий газ *(минг. м³)*	11 400	7 450	**- 3 950**	**16 200**
Чирчиқ завод	11 400	7 450	**- 3 950**	**15 100**
Сулфат кислота ишлаб чиқариш				**1 100**

Энергия ресурслар	2025 йил		2026 йил режа
	Режа *(йиллик)*	Амалда *(кутилиши)*	
Иқтисод килиш (чора тадбирлар ҳисобига тежаш)			
Электроэнергия *(минг. кВт×соат)*	4 302	5 374	**4 563**
Табий газ *(минг. м³)*	1 827	971	**456**

VI. Кўрсаткичлар

6.1 Ишлаб чиқариш режаси

6.1.1 Хомашё захираси

Молибден маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хом ашё манбалари:

- "Олмалиқ КМК" АЖ томонидан етказиб бериладиган куйдирилган молибден саноат маҳсулоти;

- буюртмачидан етказиб бериладиган (толлинг) молибден концентратини қайта ишлаш;

- таркибида молибден бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш.

Куйдирилган молибден саноат маҳсулотини қайта ишлаш содада эритиш йўли билан гидрометаллургик усулда амалга оширилади. Қабул қилинган хом ашё (огарок) майдаланиб, сода эритмасида ювилади. Эритиш натижасида молибден аммоний молибдат эритмасига ўтади.

Аммоний молибдат эритмалари аралашмалардан тозалангандан сўнг аммоний тетрамолибдат тузларини олишга йўналтирилади. Қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган қаттиқ чўкмалар (кеклар) молибденни тиклаш учун қайта ишланади.

Молибден технологик эритмалардан сорбция йўли билан олинади. Молибден тузларини куйдириш орқали металл молибден ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлиб хизмат қиладиган молибден ангидрид олинади.

Молибден маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

№	Номланиши	Ўлчов бирлиги	2026 йил режа
1	**Маҳаллий хом-ашё:**		
1.1.	Куйдирилган молибден саноат маҳсулоти	т	2 636,7
	Куйдирилган саноат маҳсулотида молибден таркиби (36,0%)	*т*	*949,2*
	Маҳаллий хом-ашёдан молибден маҳсулотлари:		
	Металлургия штабиги ва брикети таркибида молибден	т	830,0
2	**Импорт хом-ашё:**		
2.1.	Импорт куйдирилган молибден концентрати	т	42,4
	Куйдирилган саноат маҳсулотида молибден таркиби (51,0%)	*т*	*21,6*
	Импорт хом-ашёдан молибден маҳсулотлари:		
	Металлургия штабиги ва брикети таркибида молибден	т	20,0
3	**Маҳаллий ва импорт хом-ашёдан ишлаб чиқариладиган молибден металли жами:**	**т**	**850,0**
	шу жумладан:		
	молибден металлургия штабиги	т	90,8
	молибден брикети	т	759,2

Вольфрам маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хом ашё манбаи - Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги Ингичка кони бўлиб, уни ўзлаштириш даврида **16,8 миллион тонна** руда қазиб олинган, **44,7 минг тоннага** яқин вольфрам уч оксиди ва **58,6 минг тонна** вольфрам концентрати (WO_3 55-60%) ишлаб чиқарилган.

Рудани қайта ишлагандан сўнг, №1 чиқинди сақлаш майдонида тахминий ҳажми **13,3 миллион** тонна бўлган, таркибида ўртача 0,09% WO_3 мавжуд вольфрамитли техноген чиқиндилар ва 2-чиқинди сақлаш майдонида тахминий ҳажми **3,5 миллион тонна** бўлган WO_3ли техноген чиқиндилар ҳосил бўлган.

2022 йилдан Ингичка бойитиш фабрикасида қайта ишланадиган чиқиндилардан технологик жараёнларга кўра, винтли усулда бойитиш, концентрация столларида ва кейин флотацияда бойитиш орқали шеелит концентрати олинади.

Вольфрам ангидрид қаттиқ қотишмалар, вольфрам метали ва вольфрам карбидини ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлиб хизмат қилади.

Вольфрам маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

№	Номланиши	Ўлчов бирлиги	2026 йил режа
1	**Вольфрам чиқиндиларини ўзлаштириш**	**минг. т**	**996,6**
	Чиқиндиларда WO_3 таркиби	%	0,07
	Ўзлаштирилган вольфрам таркибли чиқиндилар ҳисобда 100% WO_3	т	697,6
2	**Вольфрам таркибли чиқиндиларни қайта ишлаш**	**минг.т**	**750,0**
	Гравитацион концентрат ишлаб чиқариш	**т**	**500,0**
	Гравитацион концентрат хисобда 60% WO_3	т	250,3
	Гравитацион концентрат хисобда 100% WO_3	т	150,0
3	**Импорт хом-ашё:**		
	Импорт вольфрам концентрати	т	326,4
	Чиқиндиларда WO_3 таркиби	%	55%
	Импорт концентрат хисобда 60% WO_3	т	299,0
	Импорт концентрат хисобда 100% WO_3	т	179,5
4	**Маҳаллий ва импорт хом-ашёдан ишлаб чиқариладиган вольфрам металли жами:**	**т**	**179,0**
	шу жумладан:		
	Вольфрам металлургия штабиги	т	67.1
	Вольфрам порошок	т	111,9

6.1.2 Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

Молибден штабик – O‘z DSt 222:2024 Ўзбекистон давлат стандарти асосида ишлаб чиқарилади.

Молибден штабиклар асосан ёйсимон пайвандлаш электродларини тайёрлаш, молибден қуйма хом ашёси, пўлат қуйишда легирлаш учун қўлланилади.

Вольфрам штабик – O‘z DSt 225:2024 Ўзбекистон давлат стандарти асосида ишлаб чиқарилади. Пўлат қуйишда легирлаш ва металл қуйиш саноатида қўлланилади.

Брикет шаклидаги металл молибден – Оғирлиги (0,02-2,6) кг бўлган куйдирилган брикет. Металлургия саноатида пўлатни легирлаш учун фойдаланилади. O‘z DSt 236:2024 бўйича ишлаб чиқарилади.

Брикет шаклидаги металл вольфрам – Оғирлиги (0,02-5,0) кг бўлган олдиндан куйдирилган брикет. Металлургия саноатида пўлатни легирлаш учун фойдаланилади. O‘z DSt 227:2024 бўйича ишлаб чиқарилади.

Умумий мақсадларда фойдаланиладиган ярим кислотали ва оловбардош шамот маҳсулотлари (ғиштлар ША-5, ША-9, ШБ-5, ШБ-22, ШБ-44, ШТ-09). Печлар ва максимал фойдаланиш ҳарорати 1250°С-1400°С бўлган турли иссиқлик агрегатларини ва юқори ҳароратли печларнинг деворларини қуришда ҳамда лаборатория ускуналарида ишлатилади.

Қаттиқ қотишмали кесувчи асбоблар учун маҳсулотлар – Куйдирилган қаттиқ қотишмалардан тайёрланган пайвандланадиган ва алмаштириладиган пластиналар, металл ва металл бўлмаган материалларга ишлов беришда қўлланиладиган кесиш асбоблари учун мўлжалланган. ГОСТ 4872-75 бўйича ишлаб чиқарилади.

Қаттиқ қотишмали пластиналар – стандарт пластиналар ВК, ТК. Кесиш, парма, силлиқловчи ва айланувчи кесгичлар учун. ГОСТ 25426-90, ГОСТ 17163-90, ГОСТ 20312-90, ГОСТ 20771-82, ГОСТ 25410-82 бўйича ишлаб чиқарилади.

Қаттиқ қотишмадан чўзиш волокаси – думалоқ кесимли симлар ва чивиқларни чўзиш учун қаттиқ қотишмали чўзиш волокаси. ГОСТ 9453-75 бўйича ишлаб чиқарилади.

Жаҳон бозори талабларини инобатга олган ҳолда корхонада жорий этилаётган маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш самарадорлиги, шунингдек сифат менежменти тизимини такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” АЖ ISO 9001:2015 (сифат менежменти тизимлари)ни 2024 йилда жорий этди ва ISO 14001:2015 атроф-муҳитни бошқариш тизими татбиқ этилди.

Ҳозирги комбинат заводга жалб қилинган хорижий мутахассислар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182-сон Қарорига мувофиқ Ангрен ИЭС чиқиндилари кулидан германий ва бошқа элементларни ажратиб олиш технологияси яратилмоқда ва JORC коди асосида геологик таҳлил бошланди.

6.1.3. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

2026 йил учун ишлаб чиқариш РЕЖАСИ

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, махсулот номи	Ўлчов бирлиги	2024й. *(амалда)*	2025й. 9-ойлик *(амалда)*	2025й.		2026й. *(режа)*	Ўсиш, %	Жумладан			
					режа	кутила-ётган			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
I	Вольфрам таркибидаги отвалларни казиш	**минг. тн**	**373,5**	**570,6**	**750**	**750**	**996,7**	**132,9**	**185,4**	**275,0**	**275,1**	**261,2**
II	Вольфрам таркибидаги отвалларни қайта ишлаш ва гравитацион концентратани олиш	**тн**	**188,6**	**228,1**	**300**	**300**	**500**	**166,7**	**93,0**	**138,0**	**138,0**	**131,0**
	60% WO3 тахминий ҳисобланган гравитацион концентрати	тн	88,0	104,7	140,0	140,0	250,0	178,6	46,5	69,0	69,0	65,5
	100% WO3 тахминий ҳисобланган гравитацион концентрати	тн	52,8	62,8	84,0	84,0	150,0	178,6	27,9	41,4	41,4	39,3
III	Вольфрам уч оксиди	тн	40,7	52,8	96,0	96,0	284, 9	296,8	20,3	90,3	87,9	86,4
IV	Тетромолибдат аммоний тузи	тн	1 197,2	1 043,4	1 309,7	1 309,7	1 326,1	101,3	282,5	307,5	331,0	405,1
V	Молибден уч оксиди	тн	1 179,9	922,6	1 265,3	1 265,3	1 295,6	102,4	275,9	300,3	323,2	396,2
